



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 25 сентябрь, пайшанба, №102 (3603).



КУН РАҚАМИ

Бугунги кунга қадар юртимиз дала-ларида 10,2 миллион гектар майдондан дон ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Бу кўрсаткич деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати ва юксак самарадорликка интилишини намойён этмоқда.

»» Президент



Президент АҚШда: янги келишувлар ва йирик сармоялар

Kazinform. Қасим-Жўмарт Тўқаев Нью-Йорк шаҳрида ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида АҚШ раҳбарлари ҳамда йирик корпорациялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Сафар доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, сармояларни жалб этиш ва рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Президент Қ. Тўқаев АҚШ Президент-и Дональд Трамп билан суҳбатда икки давлат муносабатларининг янги босқичи, транспорт, энергетика ва инновация соҳаларидаги лойиҳалар ҳақида тўхталди.

«Samyrky-Qazyana» Холдинги ҳамда АҚШ ширкатлари ўртасида умумий қиймати 4,4 миллиард доллардан ортиқ 10та келишув имзоланди.

«Wabtec» компанияси билан 300та юк локомотивларини етказиб бериш ва уларни техник хизмат билан таъминлаш тўғрисидаги шартнома тасдиқланди.

«PepsiCo» билан Алмати вилоятида 368 миллион долларлик қурилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводи қурилиши масаласи келишилди.

Президент «Amazon» компаниясининг вице-президенти Дэвид Запольски билан ҳам учрашиб, рақамлаштириш ва сунъий идрок соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Шунингдек, Президент қатор молия ва сармоя тузилмалари раҳбарлари билан ҳам мулоқот ўтказди.

Шунингдек, Қ. Тўқаев Нью-Йорк сафари доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди. Жумладан, давлат раҳбари БМТ Бош қотиби, Черногория ва Украина президентлари билан мулоқотда бўлди. Шу билан бирга, Президент Chevron корпорацияси раҳбари ҳамда Cerberus Capital Management компанияси бош директори билан учрашди. Қозоғистон етакчиси, шунингдек, мамлакат маданиятини АҚШда

тарғиб этгани учун Смитсон институтига миннатдорчилик билдирди. Давлат раҳбари Жаред Коэн билан ҳам учрашув ўтказди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Нью-Йорк шаҳрида Халқаро футбол федерацияси (FIFA) раҳбари Жанни Инфантинони қабул қилди.

Учрашув чоғида Давлат раҳбари мамлакатимизда ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш, спорт инфратузилмасини янгилаш ва ривожлантиришга қаратилган FIFA Arena дастурига алоҳида тўхталиб, мазкур ташаббус учун Федерация раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этди.

Қ. Тўқаев Қозоғистон FIFA билан ҳамкорликда минтақада футболни тараққий эттиришга қодир мамлакатга айланишига ишонч билдирди.

Жанни Инфантино ўз навбатида Президентимизга футбол соҳасига кўрсатаётган эътибори учун самимий миннатдорчилик билдирди ҳамда Федерация миллий футбол салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доим тайёр эканлигини таъкидлади.

Янги Қозоғистон, янги лойиҳалар

ПАХТА ХОМАШЁСИДАН – САНОАТ КЛАСТЕРИГА



Kazinform. Туркистон вилоятининг пахтачилик соҳасида янги давр бошланди. Ўтрор туманидаги пахта майдонларида ҳосил етилди. «Алтын дала мақта» МЧБ майдонларида 34 минг гектар пахта теримга тайёр.

Шу билан бирга вилоятда пахтачиликда халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда.

Бундан ташқари, минтақада халқаро сармоявий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Texhong Group раҳбарлари билан учрашиб, ҳудудда пахта кластерини ривожлантириш ва йилига 300 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган замонавий заводлар қуриш режасини муҳокама қилди.

Texhong Group – дунёда тўқимачилик саноатида етакчи компаниялардан бири бўлиб, Хитой, Вьетнам, Туркия, Мексика ва Никарагуада ишлаб чиқариш базаларига эга.

Ҳозирда вилоятда йилига 150 минг гектар пахта экилиб, тахминан 270 минг тонна маҳсулот етиштирилмоқда.

Пахта маҳсулоти маҳаллий корхоналарда қайта ишланади, шу

орқали газлама, кийим-кечак ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Вилоятда 25та пахтани қайта ишлаш заводи фаолият юритмоқда ва 2027 йилгача 5та тўқимачилик кластери ишга туширилади. Бу лойиҳалар янги иш ўринлари яратиш баробарида экологик тоза ишлаб чиқариш ва янги касбий ўқув тизимларини йўлга қўйиш имконини беради.

Туркистон вилоятида пахтачилик кластери шаклланимоқда. Бу – етиштирилган хомашё тўлиқ маҳаллий енгил саноат корхоналарида қайта ишланади демакдир. Шу тарзда минтақада пахтадан саноат кластерига қадам қўйилмоқда. Деҳқонлар ва халқаро сармоядорлар ҳамкорлиги, замонавий технологиялар ва инфратузилма – янги иқтисодий босқичнинг асоси сифатида хизмат қилмоқда.

»» 26 сентябрь – Халқаро ядровий қуролга қарши кураш куни

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Бу кун БМТ Бош ассамблеяси томонидан 2013 йил 5 декабрда таъсис этилган.

Унинг асосий вазифалари – ядровий қуролнинг инсониятга таҳдиди, шунингдек, уни бутунлай йўқ қилиш зарурлиги тўғрисида хабардорлигини ошириш.

Ҳозирда дунё мамлакатларида 13,080 га яқин ядровий қурол мавжуд. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи бундай қуролга эга ёки ядровий альянсга аъзо бўлган мамлакатларда истиқомат қилади.

86 давлат ядровий қуролни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, эга бўлиш, сақлаш, фойдаланиш, таҳдид қилиш ёки ўз ҳудудида ядро қуролини joyлаштиришга рухсат беришни тақиқловчи шартномани имзолаган, улардан 55таси уни ратификация қилган. Хужжат 2021 йил 22 январдан кучга кирган.

Ҳар бир авлоднинг энг улкан вазифаси – келажакка тинч ва хавфсиз дунёни мерос қолдириш. Бугунги кунда бу мақсаднинг энг долзарб йўналишларидан бири – ядровий қуроллардан воз кечиш ва уни тарқатмасликка қаратилган халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлашдир.

Қозоғистон бу йўлда намунали сийosat юритаётган мамлакат ҳисобланади. 1992 йилдан сўнг БМТ аъзоси бўлган мамлакатимиз халқаро ҳам-жамиятда тинчликпарвар ва масъулиятли давлат сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Мамлакат раҳбариятининг фаоллиги ва БМТ билан ҳамкорлик орқали Қозоғистон

ядровий қуролсиз дунё йўлида муҳим қадамлар қўйди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг таъкидлашича, Қозоғистон ихтиёрий равишда ядровий қуролдан воз кечган ва уни тарқатмаслик борасида дунёвий ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши дунёвий чора-тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан «Астана таҳлил марказлари анжумани» (Astana Think Tank Forum) ташкил этилди.

Унинг дастлабки мажлисидаги маърузасида ушбу мулоқот майдони Астана халқаро анжумани доирасида ташкил этилгани ҳамда энг долзарб дунёвий ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун мўлжалланганлигини таъкидлади.

– Маълумки, бугунги кунда инсоният минтақавий можаролар, иқтисодий беқарорлик, иқлим ўзгариши, озик-овқат ва миграция хавфсизлиги каби мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу дунёвий муаммолар барчамизни ташвишга солмоқда ва биз уларни биргаликда бартараф этиш чораларини излашимиз керак.



Бизнинг келажагимиз кучларимизни қанчалик бирлаштириб, умумий келишувга эришишимизга боғлиқ. Шунинг учун биз Қозоғистон учун ушбу муҳим жараёнда иштирок этишни улкан шараф, деб биламиз. Геосиёсий зиддиятлар туфайли савдо, сармоявий ва инновациявий соҳаларда эркин алмашиш йўлида янги тўсиқлар вужудга келмоқда. Ҳатто иқлим ўзгаришлари, очлик ва тенгсизликка қарши кураш сингари бутун башарият тақдирига дахлдор бўлган масалаларда ҳам пайтда биз шунчаки кузатувчи бўлиб қолишни истамаймиз. Аксинча, янада мувозанатли, адолатли ва барқарор дунёвий тизим меъмори бўлишга интиламиз, – деди Президент.

Давлат раҳбари мамлакат Эрон билан ядровий қурол масаласида келишувга эришиш, Сурия бўйича

ёки кичикка бўлинмаслик керак, балки дунёни фаровонлаштиришга ҳисса қўшишлари даркор. Қозоғистон келажақда жаҳон майдонида фаол тинчликпарвар давлат сифатида сиёсий майдонга чиқишга тайёр. Биз дипломатия, иқтисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама бошқарув чорраҳасида турибмиз. Ҳамкасбаримиз ва ҳамкорларимиз билан биргаликда ҳаракат қилиш орқали биз дунё истиқболлини шакллантиришга ёрдам бера оламиз. Халқаро вазият ўзгараётган бир пайтда биз шунчаки кузатувчи бўлиб қолишни истамаймиз. Аксинча, янада мувозанатли, адолатли ва барқарор дунёвий тизим меъмори бўлишга интиламиз, – деди Президент.

Давлат раҳбари мамлакат Эрон билан ядровий қурол масаласида келишувга эришиш, Сурия бўйича

музокаралар, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида учрашув ўтказиш учун алоҳида мулоқот майдонини таклиф қилганини айтди.

Президент ядровий қуролсизланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Биз ихтиёрий равишда ядровий қуролдан воз кечдик ва уни тарқатмаслик бўйича дунёвий ташаббусларни қўллаб-қувватлашда давом этамиз. Астананинг Биологик хавфсизлик бўйича халқаро агентлики ташкил этиш таклифи дунёвий хавфсизлик соҳасидаги таҳдидларга қарши мажбуриятларимиздан биридир. Қозоғистон дунёвий иқлим кун тартибининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадларини олқишлайди. Биз иқлим бўйича Париж келишувини қўллаб-қувватлаймиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, амалга оширилаётган ислохотлар нафақат ички барқарорликни сақлаш, балки иқтисодий тараққиётни таъминлаш, хорижий сармояларни жалб этишда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қозоғистон мисолида кўрсатилган амалиёт шуни исботлайдики, тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳаракатлар дунёвий хавфсизликини таъминлайди.

Ядровий қуроллардан воз кечиш – тинч ва фаровон келажақни қуриш йўлидаги ҳал қилувчи стратегиядир. Қозоғистон бу йўлда узоқ мuddатли ҳамкорлик ва дунёвий тинчликка ҳисса қўшишда давом этаверади.

А. АБДУФАТТОҲ.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ САРМОЯ ЖАЛБ ЭТИШДА ЕТАКЧИ

Вилоятимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бo-расида амалга оширилаётган ишлар самара бермоқда. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг соҳада умумий маҳсулот ҳажмини икки бараварга ошириш ва сувни тежаш технологияларини кенг жорий этиш тўғрисидаги топшириқларнинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

Жорий йилнинг 8 ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 100,1 фоизга етди. 9 ой якунига кўра, бу кўрсаткичнинг 104,3 фоизга чиқиши кўзланмоқда. Айниқса, сувни тежаш технологиялари кенг қўлланилмоқда. Йил бошида уни 27 минг гектар ерга жорий этиш режалаштирилган бўлса, ҳозирга қадар 59 минг гектар ер қамраб олинди. Умумий ҳажми 114 минг гектарга етди. 2028 йилга қадар ҳар йили 27 минг гектарга қиритиш режалаштирилган бўлса-да, имкониятдан келиб чиқиб, ҳар

йили 50 минг гектар ерда мазкур тизимни жорий этиш режаланган. Бу ҳақда Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеров раҳбарлигида ўтган девон мажлисида маълум қилинди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари Файзулла Байдуллаев агросаноат мажмуаси кўрсаткичларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот берди. Унинг маълумотларига кўра, йил охиригача 1 649та қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш режалаштирилган, бугунги кунда 1 379та тех-



ника харид қилинди. Натижада, техника нархининг янгиланиш улуши 7,9 фоизни ташкил этиб, умумий қишлоқ хўжалиги техникаси сони 17 487 донага етди. Маҳсулотни сақлаш инфратузилмаси ҳам кенгаймоқда. Жорий йилда Тулкибош, Сайрам, Чордара туманларида замонавий мева-сабзавот сақлаш омборлари ишга туширилди. Келаси йили Саригоч туманида 10 минг тонна ва Қазигурт туманида 3 минг тонна мева-сабзавот омборлари ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва сармоя жалб этиш борасида ҳам вилоятимиз мамлакатда етакчи. Агросаноат мажмуасига жорий йилда 121 млрд тенге сармоя жалб қилинди. 9 ой якунига қадар ушбу кўрсаткич 152,8 млрд тенгеге етказилади. Гўшт етиштириш ҳажми 122,9 минг тоннага етди. Бунинг аксарият қисми Сайрам ва Қазигурт туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимининг матубот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига хизмат қиладиган қўллаб-масалаларни кун тартибига қўйди. Улар орасида қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Ҳукуматга илғор агроиқтисодиётга ўтиш юзасидан аниқ режа ишлаб чиқиш топширилди.

– Қишлоқ хўжалиги соҳаси янги босқичга кўтарилиши лозим. Бу соҳага жўшқинлик бериш мақсадида сўнгги йилларда давлат томонидан йирик маблағ ажратилиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда аграр соҳани қўллаб-қувватлаш учун бир триллион тенге ажратилди. Субсидиялар вақтида тақдим этилди. Бундай кенг қўламли қўллаб-қувватлаш тадбирлари мамлакатимизда илгари кузатилмаган. Бироқ, чора-тадбирлар агросаноатнинг ҳозирги имкониятини тўлиқ ишга тушириш учун ҳали етарли эмас. Масала маблағ миқдоридан эмас, энг муҳими, улардан самарали фойдаланишда. Ҳукуматнинг илғор агроиқтисодиётга ўтиш бўйича аниқ режаси бўлиши керак, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга оид йирик лойиҳаларга ҳам тўхталди. Уларга маҳаллий ва хорижий сармоядорлар томонидан 2 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилган. Бунинг натижасида 3 мингдан зиёд иш ўрини яратилади, маҳсулотлар эса дунёнинг қўллаб-мамлakatларига экспорт қилиниши кутилмоқда.

– Бундай лойиҳалар қўламини кенгайтириш керак. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан дўкон пештахталарига етказиб берадиган ягона тармоқ шакллантирилиши керак. Қўпгина ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олган мукаммал қишлоқ хўжалиги корхоналари мавжуд. Улардан жамоатчилик яхши хабардор. Мазкур корхоналар рақамлаштириш усулларини оммавий жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада оширмоқда. Энг яхши қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашгача бўлган бутун ишлаб чиқаришни тўлиқ йўлга қўйиб, катта муваффақиятларга эришмоқда. Шу боис, бундай агрохолдинглар тажрибасини оммалаштириш учун барча шароит яратилиши зарур, – деди Президент.

Маълумки, Қозоғистон қишлоқ хўжалиги соҳасида Марказий Осиёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бу соҳа мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва озиқ-овақт хавфсизлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ислохотлар, дастурлар ва сармоялар амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ғалла экспорти бўйича дунёнинг 10та йирик давлати қаторига қиради. Бугдой, ун, ёғ ва гўшт маҳсулотлари дунёнинг 70дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Ғалла етиштириш бўйича Шимолий Қозоғистон, Қўстанай, Ақмўла вилоятлари етакчи бўлса, Туркистон, Алматы, Жамбил минтақалари сабзавот, мева ва боғдорчилик маҳсулотлари билан машҳур. Фарбий ҳудудлар чорвачиликка мослашган.

Рақамлаштириш, аграр илм-фанни ривожлантириш, ердан самарали фойдаланиш ва сармоявий муҳитни яхшилаш – бу соҳанинг келгуси тараққиёти учун устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Жанибек СУЛЕЙМЕНОВ,
вилоят маслаҳати депутати.



собраниб, натижада атроф-муҳитнинг ифлосланиш муаммоси юзага келган, шунингдек, ундаги табиий тизим ва биосфера хавф остида қолган. Қувонарлиси эса бу хавф маълум даражада юртимизнинг ранг-баранг табиати ни четлаб ўтаётганлиги деб ўйлайман. Муқаддас замин – Қозоғистонимизнинг нурафшон эртаси, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизнинг қўлида. Шу азиз Ватанда туғилиб, яшаётганингиздан, ҳар бирингиз унинг эрка фарзанди эканлигингиздан фахрланиб юринг.

Шунингдек, қишлоқларни ривожлантиришда давлатнинг изчил сиёсати муҳим ўрин тутди. Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган “Қишлоқ – юрт бешиги”, “Тоza Қозоғистон” дастурлари бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Мазкур дастурлар доирасида минглаб қишлоқларда йўллар таъмирланди, янги мактаб ва боғчалар қурилди, шифохона ва маданий марказлар замонавий қиёфа касб этди. Сув ва электр тармоқлари янгиланиб, интернет билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу тариқа қишлоқ аҳолиси учун қўлай ҳаёт ва муносиб иш жойлари барпо этилиб, юртининг тараққиёт пойдевори мустаҳкамланмоқда.

Ҳар бир қишлоқ – бекиёс, бебаҳо. Чунки у инсон қалбнинг бир парчаси. Шу боис, азиз юртдош, сиздан ҳам сўранаман: қишлоғингизни, Ватанингизни асранг. Чунки қишлоғимизни асрасак – келажакимизни асраган бўламыз.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

»» “Қозоғистон – 2050”

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ: ЯНГИ САНОАТ БОСҚИЧИ САРИ

Дунё саноати тез суръатларда ўзгармоқда. Яшил иқтисодиёт ва рақамли трансформация даврида стратегик минералларга талаб тобора ортмоқда. Электр транспорт воситалари, қайта тикланувчи энергия, космик ва муҳофаа саноати, юқори технологияли электрон қурилмаларни технологик металлсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон фойдали қазилмаларга бой давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти эътиборида. Мамлакат ерости бойликлари 3 триллион долларга тенг саноатга эга бўлиб, унда Менделеев жадвалининг қарийб 90 фоизи мўлжалланган. Миллий бойликларни самарали ишлатиш ва келажак авлод манфаатларига йўналтириш мақсадида 2024 йилда Ўзбекистон Технологийвий металл қобиляти (ТМК) ташкил этилди.

ТМК – оддий қон қазиш компанияси эмас. У бутун саноат занжирини ўз ичига олиб, “кон-металл-бозор” тамойили асосида иш олиб боради. Қидирувдан тортиб қазиб олиш, қайта ишлаш, илмий тадқиқот

ва тайёр маҳсулотгача бўлган босқичлар ТМК экотизимида мўлжалланган. Бугун ТМК 25дан зиёд стратегик хомашё тури, 70дан зиёд лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 17-18 сентябрь кунлари Алматы шаҳрида Mining & Metals Central Asia 2025 кўргазмаси ушбу йўналишдаги муҳим тадбирлардан бири бўлди. Иффузли кўргазмада 30та давлатдан 500дан зиёд компаниялар қатнашди. ТМК ҳам иштирок этди. Хусусан, кўргазма доирасида ТМК вакиллари 50дан зиёд халқаро компаниялар, сармоядорлар ва саноат мутахассислари билан фаол музокаралар олиб борди. Бу компаниялар қаторида

дунёнинг энг йирик қончилик ва технология гигантлари, Япониянинг “Mitsubishi Materials”, Швейцариянинг “Glencore”, Финляндиянинг “Metso”, Канаданинг “Silvercorp Metals”, Австралиянинг “ALS” ва “Mineral Technologies”, Нидерландиянинг “IHC Mining” каби компаниялари бор. Шунингдек, ТМК қатор муҳим келишувларга эришди. Жумладан, Хитойнинг “Sunward” компанияси билан замонавий технологияларни жорий этиш, Австралиянинг “Mineral Technologies” ва “Glencore” компанияси билан “Келажак металлари технопарки”ни яратиш бўйича меморандумлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлиги бу соҳада изчил ривожланмоқда. Икки қўшни давлатнинг геологик салоҳияти улкан бўлиб, уларнинг ҳамкорлиқда қўламли минтақавий интеграцияни мустаҳкамламоқда. Хусусан, “Mining & Metals Central Asia 2025” кўргазмаси

доирасида Ўзбекистон Технологийвий металл комбинати (ТМК) ва Қозоғистоннинг етакчи қончилик компаниялари ўртасида ҳам қатор учрашувлар ўтди.

Мазкур мулоқотларда икки мамлакат мутахассислари сармоявий лойиҳалар, илғор технологияларни жорий этиш, қўшма тадқиқот ва қайта ишлаш қувватларини яратиш каби масалаларни муҳокама қилди. Айниқса, “яшил иқтисодиёт” ва қайта тикланувчи энергия манбалари учун зарур бўлган стратегик минералларни биргаликда ўзлаштириш ва қайта ишлаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг тоғ-қончилик ва металлургия соҳасидаги ҳамкорлиги бутун Марказий Осиё микросида саноат тараққиёти ва сармоявий жозибадорлиқни оширишга хизмат қиладди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Дунёда гўзал ўлкалар бисёр. Бири тоғлари билан, бири денгизи билан, яна бири табиатининг мафтункорлиги билан ажралиб туради. Лекин шу гўзалликлар ичида ҳар бир инсон учун битта жой борки, у барчасидан устун. Бу – унинг ота юрти, она Ватани. Қарга бормаил, қанчалик узоқ юрмасин, инсон қалбнинг бир бурчагида доим битмас соғинч билан “менинг қишлоғим” деган сўз чақнаб туради. Юртимиздаги ҳар бир қишлоқ аҳолиси учун шундай муқаддас. Ҳар бир тоғи, ҳар бир ҳаси – Ватаннинг ўзидек қиммат. Билмадим, сиз-чи, аммо мен учун қишлоғим болалик хотираларим, она юртимнинг юраги, бор ҳаётимнинг маънавий суянци.

Ота-онамиз “айрилиқ ёмон”, “жудопик огир” деганларида, улар фақат инсонларнинг бир-биридан айрилишини назарда тутмаган, балки Ватандан жудопикнинг қийматини ҳам англатганлар. Ёрдан айрилган одам вақт ўтиб уни унутди. Фарзандидан айрилган киши дардини вақт билан юмшатиши мумкин. Ватан фуқарига дучор бўлганлар қисмати нима билан тугайди?! Улар бунга дош бера оладиларми? Юрак бўлса дош беролмайди, юраксизлар... юраксизлар, уларни билмадим. Ватан соғиничи кўнгилда ҳамшиша ёниб туради. Шунинг учун Ватанини соғинмаган одамни тасаввур қилиш қийин.

Ҳаётдан тўйиб, яшашдан умидини бутунлай узган одам ҳам қишлоғи латофатини кўргач, умрни эъозлашга,



ҚАДДИ ВА ҚАДРИ УЛУҒ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

унинг ҳар бир онининг қадрига етишга ўзида қудратли куч топгандек бўлади. Бундай жозибадан юртимнинг ҳеч қайси гўшаси мустасно эмас, албатта. Балки, айнан шунинг учун юртимиз асрлар оша тилларда дoston бўлгандир, не дедингиз, азиз ватандош?

Афсуски, биз кўп ҳолларда табиатни асраш бурчимиз эканлигини унутиб қўямиз. Телевизордан тошқинлар, қурғоқчиликлар, зилзилалар ҳақида эшитганимизда, уларнинг сабаби инсоннинг табиатга нисбатан беаёв муносабати эканлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳар бир қирқилган даряхт, ҳар бир ифлосланган дарё, ҳар бир исроф қилинган ер – бу Ватаннинг қон томирига урилган зарба.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз азалдан табиатни асраб,

унинг бойлигидан тежамкорона фойдаланишга одатланган. Лекин охири асрлардаги лоқайдлик ва манфаатпарастликнинг оқибатида табиатимиз ҳам жабр кўрди. Бу борада хулоса чиқариш, хато ва камчиликларни қайта тақролламаслик – биз каби авлоднинг вазифаси.

Ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам, инсон табиатни тарк эта олмайдди. Шундай экан, “керакли юкнинг оғири йўқ” деганларидек, табиатга – доимий ҳамроҳимизга адолатли муносабатда бўлайлик. Унинг аъзоларидан бўлган ҳавони турли хил зарарли газлар билан ифлосланишининг олдини олайлик. Илмий салоҳиятимизни ишга солиб, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган саноат усулларини ўйлаб топайлик. Дарахтларни, яъни яшил баргли ўсим-

ликларни кўпайтириб, ҳавонинг ўзини-ўзи тозалашига имкон яратайлик.

Сув – ҳаёт манбаи, тириклик асоси. Шунин билан ҳолда унинг қадрига етайлик. Турли чиқиндиларни оқар сувга ташламайлик. Кимё ва ёғ-кимё саноати корхоналари, металлургия заводлари сув иншоотларини хавфли моддалар билан ифлослантирувчи асосий манба эканини билган ҳолда, ичимли сув ҳавзаларини улардан узоқ жойларда ташкил этишга ҳаракат қилайлик. Шўр сувни чуқуқ сувга айлантириш усулларини ўйлаб топайлик.

Ўсимликларсиз ҳаётни тасаввур этиш мушкул. Шундай экан, улар йўқ бўлиб кетишининг олдини олайлик. Улардан оқилан фойдаланайлик, қадрига етайлик. Хилма-хиллигини сақлаб қолайлик.

Фақат ўтган асрнинг ўрталарида, атиги бир неча йил ичида миллионлаб гектар даламиз аёвсиз шудгорланди. Олис замонлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келган миллий ишбилармонча ёндашув саноқли йилларда одам танимас даражада ўзгариб, ҳаддан ортиқ исрофгарчиликка олиб келди. Шунинг касридани Она-Ер яратилгандан буён майсанинг боши тулпорлар туёғи билангина эзилган дала бутун бойлигидан мосуво бўлди. Тош ташласанг унадиган минглаб гектар унумдор ерларимиз экологик офат минтақаларига, Орол денгизи эса қовжираган тақир чўлга айланди. Буларнинг ҳаммаси – ерга ўта лоқайдлик билан қарашнинг ағчиқ мисолидир.

Инсоннинг табиатдан фойдаланиши ва бунинг натижасида турли нохуш ҳодисалар келиб чиқиши, ниҳоят уларнинг инсон ҳаётига хавф солаётганлиги барчамизга маълум. Бундай хавфнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли – барқарор ривожланиш, ёшларда у ҳақидаги билимларни шакллантириш. Илмий-техника тараққиёти натижасида инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилган. Сабаби эса инсоннинг хўжалик фаолияти ҳи-

»»» Обуначиларимиз орасида

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

ҚАРНОҚ ҚИШЛОҒИДА ОБУНАЧИЛАРИМИЗ КЎПАЯДИ

Октябрь ойи бошида ўтадиган 70 йиллик юбилейга ҳозирлик кўраётган Кентов шаҳри таркибидаги 2000 йилдан зиёд тарихи бор кўҳна Қарноқ қишлоқ округига 33 ёшдаги Асил Жамалбеков раҳбарлик қилмоқда. Ўзаро суҳбат чоғида қишлоқ ҳокими А. Қабланули ҚР Президенти Мактуби, “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунаси, режалаштирилаётган ишлар, отахонлар, жамоат ташкилотлари, фаоллар билан ҳамжиҳат амалга ошириладиган тadbирлар ҳақида маълумот берди. Бизнинг таклифларимизни ён дафтарига қайд этди. Фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов ёш бўлса-да, улкан қишлоққа бош бўлган, ҳар бир ишни кўпчилик билан кенгашиб, амалга оширишни мақсад тутган янги ҳокимга омад, ишига барака, юртга фаровонлик тилаб, фотиҳа берди.



Мақсуда Юсупова (газетамиз жонкуяри, қишлоқнинг собиқ раҳбари Собиржон Юсуповнинг келини) директор Улуғбек Бойметов тавсияси билан 50 нусхалик обуна кўрсаткичини келаси ярим йилликда кўпайтириш устида иш олиб борадиган бўлди.

2019 йили бунёд этилиб, фойдаланишга берилган “Ақин-тума” мактабида директор Баҳром Мирзаев билан суҳбатлашдик. 400 ўқувчига 54 ўқитувчи таълим-тарбия бераётган мактабда



Мансур Матмусаев раҳбарлик қилаётган “Қарноқ” мактабида 725 ўқувчига 120 ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Кутубхоначи Рашида Собирова маъмурият ҳамда устозлар жамоаси билан бамаслаҳат ҳолда 80 нусхалик ҳозирги обуна кўрсаткичини кейинги ярим йилликда ҳам давом этадиганлигини, имкон қадар муштарийлар сонини кўпайтиришни маълум қилди.

Артур Асоев раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий но-



“Жанубий Қозоғистон” газетасининг 40 нафар муштарийлари меҳнат қилишади. Қишлоқ чеккасида жойлашган мактаб маъмурияти 3 километрдан олис масофадан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун шаҳар таълим бўлими орқали қулайликлар яратиб берган. Директор Баҳром Абдугани ўғли ҳамда кутубхоначи Юлдуз Жанақова тахририятнинг обунани уюшқоқли ташкил этиш хусусидаги таклифига му-

мидаги мактаб-лицей жамоаси эришган ютуқлар ҳақида газетамиз саҳифаларида батафсил мақолалар эълон қилинмоқда. Мактаб устозлар жамоаси билан ҳамкорликда 100 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасини ташкил этаётган кутубхоначилар Саноат Мирзахмедова, Зилола Нуртилла билан суҳбат чоғида шартнома асосида кейинги ярим йиллик обунаси ҳужжатларини тақдим этдик.

Ўтган ойда Қозоғистон Республикаси Президенти Қ. Тўқаев имзолаган “Ташаккурнома”ни вилоят ҳокими Н. Қўшеров тантанали тақдим этган иқтидорли таржимон, ҚР Ёзувчилар уюш-



рийларимизга мурожаат этиб, шу масалада яқиндан ҳолис кўмак кўрсатишларини сўраймиз. Зеро, О. Ёқубов асарлари 5 миллиондан зиёд нусхада нашр қилинганлиги шонли тарих.

Чоштепа қишлоғидаги 10 йил муқаддам фойдаланишга берилган “Чоштепа” мактаби ўқув биноси вақт ўтиши билан таъмирга муҳтож эди. Ишчан раҳбар Улуғбек Бойметов сазй-ҳаракатлари билан янги ўқув йилига мактаб синфхоналари сифатли таъмирланиб, ўқув биносига кираверишдаги фойеда давлат рамзлари ҳақида батафсил маълумот берувчи стенд яратилганини кўриб, қувондик. 419 ўқувчига 76 ўқитувчи таълим-тарбия бераётган мактаб кутубхоначиси

вофик, пайшанба куни тушликка режаланган, янги ўқув йили бошида ўтказиладиган анъанавий ҳудойи оши тadbбирида устозлар жамоаси билан маслаҳатлашиб, амалий чора кўрилишини айтишди.

Қарноқдаги энг ёш ўқув даргоҳи – “URKER” мактабига Достон Абдалиев раҳбарлик қилади. Директор Достон Муроджон ўғли келаси ярим йилликда ҳозирги 40 нусхалик обуна кўрсаткичи, албатта, ортишини маълум қилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қарноқ қишлоғидаги фаол обуначиларимиз.

Муаллиф суратга олган.

ЗАЙНИДДИН АСАЛЧИННИНГ АРМОНИ



етиштирувчи ихтисослиги ҳам ўқитилиб, ёш мутахассислар тайёрланса. Мен ёш кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб, ўз амалий

тажрибамни ўртоқлашишга, шоғирдлар тайёрлашга тайёрман.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

»»» Меҳнат одами

Давлатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Туркистонда ўтган II Миллий Қурултойда “Биз меҳнат одамининг мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу қадам жамиятда меҳнатни қадрлашнинг қарор топишига замин яратади... Ҳақиқий меҳнат одами – ишнинг одами, яъни ҳар бир ишга, ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашадиган ҳалол фуқародир», деб таъкидлаган эди.

Бугун биз ана шундай ҳалол меҳнати билан элга танилган, қарийб ярим асрга яқин Сайрам туманининг Сайрам қишлоғидаги собиқ Ленин ва Пушкин номли дондгор жамоа хўжаликларида бригада етакчиси бўлиб хизмат қилган Турсунхон Холмуродов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

У 1934 йили оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. Турсунхон отасидан эрта жудо бўлди. Шунинг учун бўлса керак, падари бузруквори билан сўнгги учрашувини ҳануз яхши хотирлайди...

– 1942 йили 8 ёшга тўлганимда отам ҳарбийга қақирилди. Бир куни онам 7та зўғора нон ёлиб, туман ҳарбий коммиссарлигига, отамнинг олди-га боришимни тайинлади. Шу

ҲАЁТ ЗАВҚИ – КЕЛАЖАК МЕРОСИ



Тўланхўжа, Юсуфхўжа ва Эргашхўжаларнинг очликдан силласи қуриб, қорни шишиб кетганди. Мана шундай қийинчиликка қарамай, у укаларини ўқитди, уйлантирди, уили-жойли қилди.

Турсунхон 7-синфлигида жамоа хўжалигида табелчилик қилди. Мактабга бўздан тикилган ямоқ иштонда борар, тиззаси йиртилса, орқага қилиб кийиб оларди. Буни кўрганлар устидан кулишди ҳам... Мактабни тамомлагандан сўнг у армия сафида 3 йил хизмат қилди. Ҳарбийдан қайтгач,

донлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Жумладан, Сайрам қишлоғига туманда биринчилар қаторида табиий газ келди, ҳашаматли Маданият саройи, Маиший хизмат кўрсатиш уйи, бир нечта мактаб, болалар боғчалари қад ростлади.

Шунингдек, у жамоа хўжалигида узоқ йиллар хизматдош бўлган таниқли шахслар номини бирма-бир эслаб ўтди. Бинобарин, СССР Давлат мукофоти совриндори Йўлдош Тўйчиев, дондгор бригадирлар Сулаймон Йўлдошев,



куни қир ошиб, пиёда Оксукент қишлоғига етиб бордим. Йўлда қорним очиб, иккита кулчани пақос тоширгандим...

Борсам, ҳарбий либосдаги бир аскар катта ёшдаги кишиларга буйруқ қилиб, уларни ётқизиб-турғизапти. Дадамнинг усти-боши чанг, тупроққа қорилиб кетибди. Мени кўриб, олдига қақирди. Олиб борган 5та кулчани берганимда отам: “Қорнинг очми?”, деб сўради. Қорним тўқлигини айтдим. У битта нон олди-да, қолганини қайтариб: “Укаларингга олиб бор!” деди. Бу отам билан хайрлашувим эди. Уни бошқа кўрмаслигимни билганимда, бўйнига маҳкам осилиб, дийдорига тўйган бўлардим...

Афсус, у отасини бошқа кўрмади. Шу орада урушдан “Қора хат” келди. Жангда Холмурод аскар ўнг елкасидан жараҳат олган эди. Ёнидаги ҳамқишлоқ сафдошига: “Мен энди уйга бормайман, болаларим сизга омонат, кўз-қулоқ бўлиб туринг”, дедик жон таслим қилади. Шу тарақ Раҳима ая 4 бола билан бева қолади.

Турсунхон укаларини асраш учун онаси билан бирга оила юкини кўтарди. Идрисхўжа,

қурилишда бетончи бўлиб ишлади.

Қишлоқ кенгаши раиси Равза Тўтаеванинг тавсияси билан далага ишга чиқди. Жамоа хўжалигида пиллакор ва ғаллакорлар бригадирларига етакчилик қилди, иссиқхонада кўчат етиштирди, боғдорчилик бригадасига ҳам раҳбар бўлди.

Кенжа фарзанди Жамшид Холмуродовнинг айтишича, у ишга жуда эрта кетар, кечаси ҳамма уйкуга кетган вақтда қайтарди. Рафиқаси Раҳима ая “гектарчи” бўлиб пахтачилик билан шуғулланди. У ҳам эрта кетиб, тушликда болаларни овқатлантириб, яна ишга жўнарди. Тушлик пайтда ўчоқда нон ёпар, чақалоғини эмизишга ҳам улгурарди. Жамоа хўжалиги сабзавотчиликка ихтисослашгач, пудрат асосида пиёз етиштиришга киришди.

Турсунхон ота билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У жамоа хўжалиги раиси Ниёзал Йўлдошевнинг аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширган ишларини алоҳида қайд этди.

– Шу фидойи инсоннинг раҳбарлигида қишлоқда обо-

Юсуфбой Ҳайитметов, Худойберган Ашурматов каби далачилик илмининг усталари номини фахр билан тилга олди.

Бугунги кунда тўқсон ёшдан ошган отахон пиру бадавлат оила соҳиби. Турсунхон ота жуфти ҳалолои Раҳима Пўлатхўжа қизи билан 7 фарзандни вояга етказдилар.

Муродхон, Рашидхон, Хуршидхон узоқ йиллар жамоа хўжалигида хизмат қилишди. Дилобар ва Дилафрўз тиббиёт муассасасида ҳамшира. Оиланинг кенжаси – Жамшидхон “Иброҳим ота” масжиди имоми. Шукурки, неваралар ҳам ҳаётда ўз ўрнини топишмоқда.

– Аллоҳга шукур, юртимиз тинч, осейишта, дастурхонимиз тўкин – дейди Т. Холмуродов. – Қозоғистонимиз, шу жумладан, Сайрам диёри ҳам тараққий этиб, ривожланмоқда. Ҳар биримиз ҳалол меҳнат қилиб, Президентимиз Қ. Тўқаев таъкидлаганидек, адолатли Қозоғистонни бунёд этишга ҳисса қўшишимиз зарур. Зеро, эл равнақи йўлида қилган эзгу ишларимиз келажак авлодга биздан қоладиган бебаҳо меросдир...

Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.

P.S: Қозоғистон ҳукуматидаги қарорига биноан, Кентов шаҳри ва унинг таркибидаги Қарноқ қишлоғидаги маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда меҳнат қилувчи тургунларга ойлик маошига қўшимча 20 фоиз экология маблағи тўланади. Қозоғистон давлати томонидан барча шароит яратилмоқда. Давлатимиз сиёсатини она тилимизда тарғиб қилаётган 35 ёш арасидаги “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига уюшқоқли киришайлик. 90 ёш арасидаги қарноқлик фахрий отахон, вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Тўлқин Саидмуродов барча мактаб ва муассасаларда обунга даъват этиб, ҳамқишлоқларига омад, равнақ тилаб, дуои фотиҳа берди.

»» Обуначиларимиз орасида

ЮГНАК ВА ҚОРАЧИҚ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ ТАКЛИФИ

ҚР Президенти Қ. Тоқаевнинг Қозоғистон халқига Макту-
бини тарғиб этишда фаол иштирок этаётган фаолларимиз
ўз навбатида таклифларини ҳам изҳор этишди.



**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, Юг-
нак қишлоғи оқсоқоллар кен-
гаши раиси:**

– Қишлоғимизда ўтган аср-
нинг саксонинчи йилларида
бунёд этилган ягона мактабга
ўқувчи сифмасди. Кўп саъй-ха-
ракатлар эвазига Саврон тумани
маслаҳати депутати бўлиб
сайланган ўғлим Нурсултон
Фарҳод ўғли билан биргаликда
УВУ фахрийси Жалил Абдул-
лаев номидаги 900 ўринли за-
монавий мактабни бунёд этиб,
фойдаланишга топширдик. Бу
мактаб Югнакда 40 йилдан
сўнг қурилган иккинчиси-дир.
Давлатимизга шу йўлда яратиб
берган имкониятлари, насия
маблаг ижратгани учун катта
рахмат. Янги мактабнинг юқори
синф ўқувчиси боксдан Қозо-
ғистон биринчилиги ғолиби
бўлди. Булоқ кўзини, истъдод
соҳибини кашф этганимиздан
беҳад миннатдоримиз. Аълочи
битирувчиларимиз турли олий
ўқув юртиларида давлат гранти
асосида ўқишмоқда. Бундай
ютуқлар келажакда шубҳа-
сиз, кўпаяди. Таклифим, қонун
устуворлигини таъминловчи
ҳуқуқшунос мутахассис Саврон
тумани УЭМБ қошида фаолият
юртиб, мунозарали масала-
ларни ҳал қилишда кўпчиликка
кўмак кўрсатса.



**Мирзахон АДХАМОВ, Қора-
чиқ қишлоғи УЭМБ раиси:**

– Бу йил Қорачиқ қишлоғида-
ги “Победа” колхозига самара-
ли раҳбарлик қилган раис, УВУ
фахрийси Сайдан Жамолов
таваллудига 100 йил тўлмоқда.
Ўша Иттифок даврида С. Жамол-
ов қишлоқдаги сугормали сув
танқислиги муаммоси ечими
учун кўп ҳаракат қилганди. Бу
муаммо йил оша кучаймоқда.
Бугунги кунда қишлоғимиз-
даги қудуқлардаги сув саҳни
кескин камайиб кетди. Қора-
чиқдан қурилиш учун шағал
тош қазиб олиш жадал давом
этноқда. Қишлоғимиздан ўтув-
чи сой сувини тўсиб оби-ҳаёт
омбори бунёд этиш режаси кўп
марта кўтарилди. Аммо, натижа
бўлмади. “Жанубий Қозоғис-
тон” газетаси саҳифаларида бу
муаммо кўп ёритилди. Вилоят
қишлоқ хўжалиги бошқармаси
ҳам ушбу муаммо ечими тараф-
дори. Кўмак сўраймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Фарҳод Аб-
дуллаев; Мирзахон Адхамов.

Муаллиф суратга олган.

ТЎРҒАЙДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ



Буюк қозоқ адиби Миржақип Дулатовнинг 140 йиллиги Тўр-
ғай заминида кенг нишонланди. Юртимизнинг барча гўшала-
ридан ташриф буюрган юртдошларимиз улуг оқиннинг руҳига
таъзим қилиб, унинг қозоқ халқининг тарихида ўчмас из қол-
дирган илғор кўзқарашларини улуғлади.

Тадбирда ҚР Парламенти Мажлиси раиси Ерлан Қўшанов, ҚР
Бош вазир маслаҳатчиси Ерали Тўғжанов, ҚХА раиси муовини
Расул Аҳмедов, Қўстанай вилояти ҳокими Кумар Ақсақалов ва яна
кўплаб меҳмонлар, шу заминда истиқомат қилаётган этнос вакил-
лари, кенг жамоатчилик иштирок этдилар.

ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжоновнинг тавсияси
билан Қўстанай вилоят УЭМБ раиси, Қўстанай Муҳандислик-иқ-
тисодиёт университети президенти, илғор педагог Рихсибой Аб-
дурахмон ўғли ҳам бу тадбирда расман иштирок этиб, ҳамжамият
номидан сўзга чиқди ва улуг оқиннинг ижодини ўрганиш, тарғиб
этиш борасида олиб борилаётган ишларга урғу берди. Юбилей
тадбири доирасида ўтган «Ўли дала жорығы» от пойғасида ҚХА
ва «Дўстлик» ҳамжамияти шайини университетнинг «Бирлик»
жамоаси муносиб муҳофаза қилишди. Мамлакат шимолида мил-
лат номини улуғлаётганларга зафарлар тилаб қоламиз.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

»» Тўйхат ўрнида



Юрт тараққиёти, халқнинг бирдамлиги ва келажак авлоднинг бахтли
ҳаёти, аввало, фидойи инсонларга боғлиқ. Бундай инсонлар жамият-
нинг таянчи, халқнинг ифтихоридир. Улар бутун умрини юрт равнақи ва
“элим, юртим”, деган ғояга бағишлаб, меҳнатда ҳам, ҳаётда ҳам атрофдаги-
ларга ибрат бўлиб яшайдилар.

Фидойилар халқ манфаати-
ни устувор вазифа деб билиб,
ўз билим ва тажрибалари-
ни ёшларга мерос сифатида
қолдирадилар. Шу маънода
Тулкибош туманида истиқомат
қилаётган Мирсобир Мирази-
зовни юртимиз фахри сифати-
да тилга олиш мумкин. У “Жа-
нубий Қозоғистон” вилоят иж-
тимоий-сиёсий газетаси билан
обуначиларни боғлаб турувчи
халқалардан бири сифатида
халқ ва матбуот ўртасида кўп-
рик вазифасини адо этмоқда.
Мирсобир Мирфузаил ўғли
юртимизда бўлаётган ҳар бир
ижобий ўзгаришдан қувониб,
халқнинг қувончига шерик бў-
лади. У миллатлар бирлиги ва
ватан равнақи йўлида хизмат
қилишни ўз бурчи деб билади.

Албатта, бундай инсонлар
қачонлардир раҳбар лавозим-
ларда ишлашган, ўз соҳасида
катта ютуқларга ҳам эриш-
ган бўлиши мумкин. Бироқ,
уларнинг энг катта ютуғи –
халқ ишончини қозониб, доим
ҳамюртлари билан елкадош,
маслакдош бўлиб яшашидир.
Қаҳрамонимиз шундай инсон-
лар сирасидан.

Ҳар сафар Тулкибош ту-
манига йўлим тушганида у
билан алоқага чиқш мен учун
одатга айланган. Газетамиз
саҳифалари учун муносиб
қаҳрамонларни топиш керак
бўлса, бир неча кун аввал унга
кўнғироқ қиламан. Ҳамюртла-
рининг яшаш тарзи, кўрсат-

ва умр давомида амал билан
исботланади.

Ўз вақтида Озодлик қишло-
ғида раҳбарлик лавозимларда
ишлаган даврларида, ҳамюрт-
ларини ўйлантирган маса-
лаларда маслакдош бўлиб,
уларнинг оғирини енгил қилиб,
анча муаммоларининг ҳал
этилишида жуда кўп ёрдам
берган, уларга маслакдош, ел-
кадош бўлган Мирсобир Мира-
зизовга илк саволимни юракка
яқин инсонлар ҳақида бердим:

– Инсон ҳаётида азиз ва
қимматли шахслар кўп учрай-
ди, – дейди М. Миразизов, –
лекин юракка яқин инсонлар
бу нафақат яқинлар ёки дўст-
лар, балки қалбга суянч бўл-
ган, ҳаётда йўлдош бўла ола-
диган, инсоний фазилатлари
билан ажралиб турган киши-
лар эканлигини ҳаёт исботла-
ди. Падари бузрукворим Мир-
фузаил ота ҳамда волидаи
муҳтарамам Замира ая меҳр-
муҳаббат ва саховат манбаи,
ҳаётимнинг маънавий устуни.
Уларнинг ҳар бир маслаҳати,
дуоси ва ибратли ҳаёти менга
қувват бағишлади. Ҳаёт йўл-
да менга ато этилган дўстлар
билан қувонччи ҳам, қайғуни
ҳам бирга баҳам кўрдим. Юра-
гимга яқин инсонлар ҳаётимда
ишонч ва садоқат рамзига
айланди. Улар қийин дамлار-
да қўллаб-қувватлайди, шод-
ликда эса юракдан хурсанд
бўлишади. Устозларим билим
билан бирга ҳаётий тажриба,

тини ўзбек тили ва адабиёти
муаллими ихтисослиги бўйича
тугатди. 1976-1978 йилларда
Шимкент шаҳридаги 13-сонли
Муқимий номли ўрта мактаб-
да, сўнг 12-сонли М. Горький
номидаги ўрта мактабда ўзбек
тили ва адабиётдан сабоқ
берди. Маънавият тарғибот-
чиси, миллий кадриятларнинг
ҳимоячиси ва шу билан бир-
га, қалб тарбиячиси сифати-
да ҳам танилди. Дарслари-
да шоирларнинг шеърлари
ёки адибларнинг асарларини
юрмадан ўқиб эшиттириш ор-
қали ўқувчиларнинг руҳини
кўтарди, уларда миллий ғурур
ва ватанпарварлик ҳиссини
уйғотди. Жамиятнинг маъна-
вияти кўриқчиси, маърифати
чироғини ёқиб турган инсонга
айланди. Меҳнати муносиб
баҳоланди. Ўз даврининг ил-
ғор услубият синфхоналарини
жиҳозлаб, шаҳар ва вилоятда
ўтадиган педагогик ўқишлар-
да, шаҳар ва вилоят бирин-
чиликларида иштирок этиб,
фахрли ўринларни эгаллади.
Таниқли ва сеvimли адиб
ва шоир устозлардан Озод
Шарафиддинов, Ўткир Ҳоши-
мов, Эркин Воҳидов, Абдулла
Ориповларни Озодлик қишло-
ғи тақлиф қилиб, маҳаллий
ижодкорлар билан ижодий
учрашувларини ташкил этди.

1973-1983 йилларда ви-
лоят комсомол қўмитасининг
йўлланмаси билан Тулкибош
тумани “Озодлик” жамоа хўжа-

1996 йили 10 июнь кунли
республика ҳокимлари кен-
гашида иштирок этиб, мам-
лакатимизнинг Тўнғич Пре-
зиденти Н. Назарбаев билан
учрашди, у билан ҳамсуҳбат
бўлди. 2000-2004 йилларда
тумандаги “Майлыкент” ХЖ
президенти ўринбосари, 2004-
2010 йилга қадар “Миразиз
бобо” деҳқон хўжалиги раиси
муовини, нафақага чиққун-
га қадар туман ҳокимлигида
бош мутахассис сифатида
фаолият юртди. 2003 йилдан
Тулкибош туман ўзбек этнома-
даният бирлашмаси раҳбари,
“Қарвон” ижодий уюшмасининг
раиси, “Нўр Отан” партияси
қишлоқ ҳокимлиги қошидаги
ташкilotи раиси ўринбосари
сингари жамоатчилик ишлари-
ни олиб борди.

2007-2009 йилларда рес-
публика ва вилоят ижодкор-
ларининг мушоираларида ғо-
либ бўлди, унинг ижоди шеър-
рий тўпламда кенг ёритилди.
200дан зиёд шеър ва ҳикоя-
лар муаллифи.

Тўнғич фарзанди – Мирво-
ҳид ўқитувчилик касбини улуғ-
лаш баробарида, ижодкорлик-
ни ҳам уйғун тарзда олиб бор-
ди. Тадбирларда суҳандонлик
қилди, улкан ийгинларни бош-
қарди. Айни кунда “Star show
productions” продюссерлик
маркази раҳбари. Умр йўлдо-
ши – муаллима Дилфузахон
билан бахтли ҳаёт кечириш-



ган фидойиликлари, амалга
ошираётган эзгу ҳамда савоб
ишларидан яхши хабардор
эмасми, санокли дақиқалар-
дан сўнг қўл телефонимга
газетанинг бўлажак қаҳрамон-
лари, уларнинг хизматлари
ҳақида батафсил маълумот-
лар кела бошлайди. Отахон
нафақа ёшида бўлишига кара-
май, шахсий ишлари, оилавий
тадбирларини четга суриб
қўйиб, тахририят топириғига
мувофиқ қаҳрамонлар ҳақида
репортажларни уюштириш-
га киришиб кетади. Қизғин
шундаки, отахоннинг жамоат
ишларида фаоллигига оила
аъзолари ҳам қўниқиб кетган,
бундай ҳаёт тарзи уларнинг
ҳам қон-қонига сингиб улгур-
ган, оилавий қадриятларига
айланиб улгурган.

Халқ учун жасорат ва садо-
қат рамзи сифатида қадрла-
надиган фидойиликни қайдан
юқтирган, дерсиз. Бу Ярат-
гандан берилган, фитратига
қўшиб ёзилган улуг бир неъм-
атдир. Фидойилик юкмайди,
сунъий йўл билан ўрганиб бўл-
майди. Бу фазилат марҳамат
тариқасида тақдим этилади

инсонийлик ва меҳнатсевар-
ликни ўргатишди. Устознинг
бир оғиз сўзи бутун ҳаёт йў-
лингга нур бўлиб сочишини
ҳаёт йўлимда кўп кузатдим.
Улар билан суҳбат қуриш,
бирга бўлиш инсонга руҳий мадд
ато этади. Шундай одамлар
бор экан, ҳаёт ҳам гўзал, умр
ҳам мазмунли.

Мирсобир Мирфузаил ўғли
1955 йили Жанубий Қозоғис-
тон вилояти Тулкибош тумани-
нинг сўлим Озодлик қишлоғи-
да таваллуд топди. Қишлоғи-
даги А. Навоий номли мактаб-
ни тамомлади. 1974-1977 йил-
ларда Қуролли кучлар сафида
хизмат қилди. Ҳарбийдаги
хизмат унинг ҳамюртлари бил-
маган кўп қирраларини кашф
этди. Ҳарбий хизматини адо
этиш баробарида ҳарбий мух-
бирлар мактабини тамомлади.
Североморск шаҳрида ҳарбий
денгиз флотида 200дан зиёд
мақолалари маҳаллий газе-
таларда чоп этилди. Ўзбек,
қозоқ, рус тилларини бирдек
такомиллаштириб, ушбу тил-
ларда хабарлар бериб борди.
1976-1980 йилларда Тошкент
Давлат педагогика институ-

лигининг комсомол ташкilotи
етакчиси этиб тайинланди.
Таниқли раҳбар, кейинчалик
ҚР Ҳукумат раҳбари бўлган С.
А. Терешченко билан елкама
елка хизмат қилди. 1983-1988
йилларда “Озодлик” жамоа
хўжалигида бригада раҳбари
бўлиб, ўз устида изланишни
тўхтатмади. Муаллимлик би-
лан бирга, у қўшимча равишда
вилоят, туман ОАВларида жа-
моа хўжалиги номидан маффу-
ра йўналиши бўйича мақола-
лар ёзишдан чарчамади. Шу
билан бирга, Тошкент қишлоқ
хўжалиги институтини сирт-
дан тамомлаб, зироатшунос
мутахассислигини эгаллади.
1988-1992 йилларда Тулкибош
туман Комфирқа қўмитасида
ташкilotий бўлим бош мута-
хассиси вазифасида фаолият
юртиди. Ўша йилларда вилоят
ҳокими бўлган Заутбек Тур-
рисбеков билан маслакдош,
хизматдош бўлди. 1992-1995
йилларда “Озодлик” ширка-
тининг раиси, раис муовини,
1995-2000 йилларда Тулкибош
тумани, Т. Рискулов номли
қишлоқ округининг ҳокими ва-
зифасида фаолият юртди.

моқда. Ўғли Мирсодиқ – Шим-
кент шаҳридаги 6506 ҳарбий
қисмида фаолият юртияпти.
Қизлари Элмирахон – муалли-
ма, Юлдузхон – ҳамшира. Умр
йўлдоши Ҳадяхон опа билан –
фарзандлар ҳамда неваралар
ардоғида кексалик бахтини
суришмоқда.

Ҳамқишлоқларининг унга
бўлган муносабатида қайси
вазифада бўлмасин, асосий
мақсади – халқнинг ишончини
оқлаш, юрти равнақиға ҳисса
қўшиш бўлганлиги ҳаёт йўли-
да, фаолиятида акс этаётгани
ҳақиқат. Ҳаётий тажрибаси,
меҳнат йўли ва халқ хизма-
тида орттирган ибратли жи-
ҳатлари ёш авлодга намуна
бўлаётган Мирсобир Мирази-
зов муборак 70 ёш арафасида
турибди. Шундай инсонлар
юртимизда кўпаяверсин. Улар
элниг энг қимматли бойлиги,
ҳаётий мактаби ва руҳий таян-
чи. Халқ хизматига бутун ум-
рини бағишлаган фидойиля-
римиз бор экан, юртимизнинг
келажига мунаввар бўлади.

Мунира ЖАМОЛИДДИН қизи.

**Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Қазигурт – **Хуршид КҮЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон МҮМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
Кентош, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VРҮ00022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR.rpt” МЧБ бошқармасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65446.

Адади – 10500 нуска.

Бюджет
2175.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.